



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БУЙРУҚ

2019 йил « 4 » *Апрел* № *01-263*

Тошкент ш.

**Институтда меҳнат ва ижро интизомини
янада мустаҳкамлаш тўғрисида**

Тошкент давлат шарқшунослик институтида меҳнат ва ижро интизомини тартибга солиш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор А.Вахидов, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор О.Шералиев, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Мирзиётовга:

1.1. Институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан меҳнат интизомига қатъий амал қилиниши, меҳнат шартномаларида кўрсатилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши назоратга олинсин.

1.2. Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг институт таълим жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган ишлар, хусусан, институт ҳудудида ноқонуний равишда кўшимча дарс бериши, репетиторлик қилиши, институтга расман мурожаат қилмаган ва тегишли шартнома тузилмаган ташкилот ва корхоналарга ёзма ва оғзаки таржимонлик қилиш, тест ва имтихон материалларини тузиш ишлари билан шуғулланиши қатъиян таъқиқлансин.

2. Факультет деканлари Қ.Омонов, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров, С.Хашимовага:

2.1. Ушбу буйруқ барча деканат ва кафедралар ходимлари, профессор-ўқитувчилари эътиборига етказилсин ва тегишли баённомалар расмийлаштирилсин.

2.2. Институт ўқув бинолари аудиторияларидан ўринли ва самарали фойдаланиш таъминлансин ва тартибни бузувчи профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ҳақида билдиришномалар киритилсин

3. Мазкур буйруқ ижроси назорати Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Вахидов зиммасига юклатилсин.

Ректор

А.Маннонов